

# BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR

Onlayn ilmiy jurnal



RASMIY SAYT: [WWW.SCIENCEBOX.UZ](http://WWW.SCIENCEBOX.UZ)



## ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МУАЛЛИФ НУТҚИ НЕОЛОГИЗМЛАРИ ХУСУСИДА

*Сарвиноз Мардонова Ориповна*

Бухоро давлат университети, Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада неологизм ва у билан боғлиқ индивидуал нутқ неологизмлари, уларнинг юзага келиш мезонлари ёритилган. Бадий асарда лексик неологизмлар, неологизм-лексема, аффиксация, композиция усулидаги индивидуал нутқ неологизмлари, жуфт ва такрор шаклдаги индивидуал нутқ неологизмлар, неологизм-семема, фразеологик (идиоматик) индивидуал нутқ неологизмлари ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** неологизм, индивидуал нутқ неологизмлари, лексик неологизмлар, неологизм-лексема, неологизм-семема, аффиксация усулидаги индивидуал нутқ неологизмлари, композиция усулидаги индивидуал нутқ неологизмлари, жуфт ва такрор шаклдаги индивидуал нутқ неологизмлар, фразеологик индивидуал нутқ неологизмлар.

Неологизмларнинг пайдо бўлиш йўллари хилма-хил бўлиб, улар тилнинг мавжуд луғавий таркиби ва грамматик қонун-қоидалари асосида янги сўз ясаш йўли ҳамда мавжуд сўзнинг луғавий маъноларидан бирини янги маънода қўллаш билан, шунингдек, бошқа тилдан сўз қабул қилиш орқали ҳосил бўлади.

Индивидуал нутқ неологизмлари неологизмнинг бир кўриниши бўлиб, мазкур ҳодисанинг тадқиқи билан ҳам боғлиқ. Ўзбек тилшунослигида неологизм ҳодисаси таркибида “янги лексика”, “соф янги лексика”, “фаоллашган лексема”, “умумтил неологизми”, “индивидуал нутқ неологизмлари”, “оказионализм” ва ҳ.к. атамалар учрайди[2;3;4;10]. Шунингдек, “индивидуал-стилистик неологизм” (Н.Маҳмудов), “маромсиз ясамалар” (С.Тошалиева) каби қўлланишлар ҳам кузатилади.

Неологизмлар манбаларда дастлаб қуйидагича таснифланади:

- а) луғавий неологизмлар;
- б) грамматик неологизмлар;
- в) фразеологик неологизмлар каби.

Буларни айни пайтда яна таркиблаш (жумладан: неологизм-лексема, неологизм-семема; морфологик, синтактик таркибли неологизмлар; фразеологик неологизмлар ва б.) мумкин.

Маълумки, бадий матн учун ижодкорнинг ўзи томонидан бадий ниятини ифодалаш мақсади билан ясалган, яратилган индивидуал неологизмлар эстетик қимматга моликдир[7,34].

Ўзбек лингвопоэтикасида бу борада, яъни бадий услубда индивидуаллик, унинг кўринишлари борасида айрим ижодкорлар мисолида у ёки бу даражада тадқиқотлар амалга оширилган[5;6;9].

Бадий адабиётда индивидуал нутқ неологизмларини ясашда унумли сўз ясовчи аффикслар иштирок этганлиги кузатилади. Умуман, индивидуал нутқ неологизмлари, одатда, ижодкорлар томонидан фавқулудда яратилган нутқий ҳосилалар ҳисобланиб, окказионал характерда бўлади. Улар вақт ўтиши билан умумистеъмолдаги сўзга айланиши



ёки маълум бир асар доирасида қолиб кетиши мумкин. Масалан, Ғ.Ғулом ижодида ўз даврида индивидуал нутқ кўриниши бўлган *мозолланмоқ* (*мозолланган қўллар* – “Олкиш”) сўзи қўлланиш доирасини кенгайтириб, умумистеъмомдаги сўзга айланган бўлса, *фашистланмоқ* (*фашистланароқ* – “Тўқиниш”), *қўнғирламоқ* (*Қўзичоқнинг баррасидай ... майда қўнғирлаб* – “Нон”)<sup>1</sup>.

Маълумки, ижодкор “ўз ясамаси”ни – ижод маҳсулини оммалашишини, шу тил эгалари луғат қатлаидан қатъий ўрин олишини мақсад қилмайди. У сўзни зарурат маҳсули сифатида яратади. Ўқувчининг диққатини қаратишга, унга эстетик завқ улашишга ҳаракат қилади. Адабиётнинг, хусусан, шеърятнинг асл мақсадларидан бири ҳам шу. Мисолларни кузатамиз: 1. *Бири бог эгаси, ўзгаси молчи ёки шоир каби ўта хаёлчи* (Эртақдан) 2. *Юракдошимиз! Биз шеър деган бир бало дардга йўлиққанмиз.* (У.Азим) 3. *О, Ўзбекистон, асал сандигим менинг, асалистоним менинг.* (О.Матжон) 4. *Ёзда чангистону, қишда балчигистон кўчамен.* (Э.Воҳидов) 5. *Тилларим бийрондир, тилларим саволкор/ Жавоб тополмасман – дилларим хира.* (У.Азим)

Кўринадики, мисоллардаги янги ясалмалар бир ўқишдаёқ ўзгача таъсир этади, диққатни тортади. Баъзида ижодкор жимжимадорликка берилгандек, тил меъёрлари чегарасини бузган каби таассурот уйғотади кишида, лекин ҳис-туйғулари жумбишга келган, илҳомланган ижодкор доим ҳам луғат қатлаидаги мавжуд сўзларга кўна қолмайди. Масалан, истеъдодли шоир О.Матжон юқоридаги мисрада Ўзбекистоннинг эпитети сифатида *асал сандиқ* бирикмасини ва *асалистон* нутқий ясама сўзини қўллайди. Ҳар иккала тасвир ифодаси оҳорли, бетакрор дея оламиз. Ваҳоланки, чинакам бадний маъно учун энг муҳим ўлчов унинг янгилиги, оҳорлилиги ҳисобланади [7,32].

Аффиксация усулида ясалган бу каби индивидуал-бадний неологизмлар ижодкор истак-хоҳиши (субъектив эҳтиёж), бадний нияти туфайли яралган, албатта. Улар сўз яшаш меъёрларига ҳам шаклан, ҳам мазмунан жавоб бера олади. Масалан, *одамзор*, *дуозор* сўзлари [от+зор], *навруъзфуруши* сўзи [от+фуруш], *ишқланмоқ*, *алвонланмоқ* [от/сифат+лан] сўз яшаш қолипи маҳсули саналади.

Маълумки, нутқимизда мавжуд қўшма сўзлар тил бирликлари саналади, уларни луғатлар камраб олади. Бироқ бадний адабиётда – ижодкорлар ижод маҳсулида амалдаги имло ва изоҳли луғатларда учрайдиган нутқий қўшма сўзлар ҳам кузатилади. Буни эса қўшма сўзларнинг тараққиёти билан баҳолаш мумкин:

1. *Шамоллар от солар Қўштегирмонга,*  
*Осмонни супурар нукратан терак.* (И.Мирзо)
2. *Шеърят бу қадим буюк сўқмоқ экан,*  
*Кийиксўқмоқ экан, кийик сўқмоқ экан.* (М.Юсуф)
3. *Рақсга тушар олтин япроқлар,*  
*Шитир-шитир ёмғирқўшиққа.* (Б.Фазлиддин)
4. *Қўнғироқ қилиб тур,*  
*Телефонхат ёз.* (У.Азим)

Мисолларда *нукратан*, *кийиксўқмоқ*, *ёмғирқўшиқ*, *телефонхат* каби [от+от] қолипи тарзидаги нутқий ясама қўшма сўзлар қўлланган.

<sup>1</sup>. Мисоллар У.Турсунов ва б. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. (Т.,1992.) китобидан олинди.



Кузатишлар кўрсатдики, қўшма сўзлар яратишда М.Юсуф ижоди етакчилик қилади. Унинг ижодий меросида *ўзбекмомо, кийикнигоҳ, кийиксўқмоқ, тўйкўча, соҳибдил, ойқовоқ, кулкўрна, лолаёноқ, тиллабармоқ, сувсумбул, арслонпанжа* ва х.к. шаклан ва мазмунан бетакрор сўзлар ўринли қўлланганлигига гувоҳ бўламиз. Буларнинг қўлланишида сунъийлик сезилмайди.

Умуман, тилимизда қўшма сўзларнинг ясалиши давомли кечмоқда. Хусусан, мустақиллик даври ўзбек адабиётида янги ясалмалар салмоқли ўринга эга. Мисолларни кузатамиз: *юлдузгул (Осмон чаманида юлдузгул теринг. И.Мирзо), кўнгилшоҳ (Ўз дўстини ўйламайдиган/ Кўнгилшоҳнинг нимаси буюк. Б.Фазлиддин), чақмоқтуёқ (Чақмоқтуёқ тойимдан/ Айирмоқчи бўлишди. М.Юсуф), биллуртан (Қор – биллуртан фаришта. У.Азим), Одамтошлар (З.Мирзаева).*

Кўринадики, ижодкорлар қўшма сўзлар яратишда тил қонунияти учун муҳим бўлган, яъни сўзларнинг мазмуний-мантикий, грамматик бириктиш усуллари (меъёрлар)дан чекинган эмас.

Жуфт ва такрор шаклдаги индивидуал нутқ неологизмлари ҳам учраб ткради: *Қочмай элатнинг танти-мардлари, Келса ҳам дўзахнинг бало-бадлари.* (У.Азим)

Ибораларнинг янгича кўринишлари (қайта ишланган, таркибига янги бирликлар киритилган, таркиби қисқартирилган ва б. Масалан: *Яна уч кун жим туриб берсангиз, мулла минган велосипеддек ювош бўлиб қоласиз.* С.Аҳмад) бадий адабиётда кенг кузатилади[7,36].

Тил ижтимоий ҳодиса саналиб, ундаги сўзлар давр билан боғлиқ ҳолатда маъно имкониятини ошириши ёки аксинча ҳолга тушиши мумкин[1]. Сўзнинг қўшимча маъно касб этиши неологизм-семема атамаси остида ҳам ўрганилади. Неологизм-семема неологизм-лексемага нисбатан кам кузатилади.

Истеъдодли шоир У.Азимнинг “Ғаройиб аждарҳо” достонида *липилламоқ* сўзи билан янги неологизм-семема вужудга келганига гувоҳ бўламиз: *Бир маъно уққандай/ Чолнинг сўзидан/ Қувонч липиллайди/ Шоҳнинг юзида.* Шоир “қувонч аломатларининг инсон ташида юз кўрсатиши”ни *липилламоқ* ясама феъли орқали ифода этган. Мазкур маъно “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўз ифодасига эга эмас[8,500]. Шунинг ўзиёқ бу сўзнинг неологизм-семема эканлигидан далолат беради.

Сўзнинг қўшимча маъно ифодалари истеъдодли шоир Фахриёр ижодида ҳам салмоқли ўринга эга. Масалан: *Гулларим қонайди/ Алвон гулларни/ менга раво кўрмиш бу тақдир/ Ҳижронрўй қизгалдоқ бўлди юпанчим.* Мазкур мисраларда иккита индивидуал неологизмни кузатиш мумкин. Бир *ҳижронрўй* сўзи бўлса, иккинчиси неологизм-семема бўлган *қонамоқ* сўзидир. Ижодкор ушбу парчада *қонамоқ* сўзини ўз маносидан ташқари маънода, яъни луғатларда изоҳланмаган маънода қўллайди. Гулларнинг кизил тусга киришини “гулларим қонайди” бирикмаси билан ифода этган. Шу билан бирга, мазкур сўз маъноси орқали шоирнинг алам, дардларини ҳам ўқувчи ҳис қила олади.

Хуллас, индивидуал нутқ неологизмлари, одатда, субъектив сабабларга кўра юзага келади. Тил меъёрларига мос ҳолда яратилган индивидуал нутқ неологизмлари матнда образлилик ва ифодавийликни таъминлаш билан бирга, луғат қатламимизнинг бойишига ҳам маълум маънода хизмат қилиши мумкин.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010. –284 б.
2. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Darslik. – Toshkent: “Fan va texnologiyalar”, 2010. –404 b.
3. Тошалиева С.Н. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши. Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. –Тошкент: 1998. –27 б.
4. Турсунов У. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1992. –339 б.
5. Умирова С. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (У.Азим шеърияти мисолида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Самарканд, 2019. – 25 б.
6. Шодиева Д.Ш. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол.фан.номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2007. –25 б.
7. Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан.док. ...дис. автореф. – Тошкент, 2009. –48 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. –Тошкент: “Ўзб. Мил. Энцикл.”, 2006–2008.
9. Қосимова М.Б. Бадий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида). Филол. фан. номз. ...дис.автореф. – Т., 2007. –23 б.
10. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: ЎЗМЭ Давлат нашриёти, 2002. –168 б.